

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КУДРАТОВА ДИЛНОЗА ШАРИФОВНА

ҲОМИЛА ОНА ҚОРНИ ИЧИ РИВОЖЛАНИШ НУҚСОНЛАРИНИНГ
КЕЛИБ ЧИКИШ ХАВФИ ПРЕНАТАЛ ПРЕДИКТОРЛАРИ

14.00.01– Акушерлик ва гинекология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Кудратова Дилноза Шарифовна

Ҳомила она қорни ичи ривожланиш нуқсонларининг келиб чиқиш хавфи
пренатал предикторлари3

Кудратова Дилноза Шарифовна

Пренатальные предикторы риска развития внутриутробных аномалий
развития плода.....27

Kudratova Dilnoza Sharifovna

Prenatal predictors of the risk of intrauterine fetal anomalies.....54

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works58

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/13.05.2020. Tib.93.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КУДРАТОВА ДИЛНОЗА ШАРИФОВНА

**ҲОМИЛА ОНА ҚОРНИ ИЧИ РИВОЖЛАНИШ НУҚСОНЛАРИНИНГ
КЕЛИБ ЧИКИШ ХАВФИ ПРЕНАТАЛ ПРЕДИКТОРЛАРИ**

14.00.01– Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Tib2046 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Ихтиярова Гулчехра Акмаловна
тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор

Расмий оппонентлар:

Етакчи ташкилот:

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: www.bsmi.uz, e-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: www.bsmi.uz, e-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ кунлари тарқатилган.
(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Д.Т.Ходжиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор

Н.Н.Каримова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

М.Б.Ўринов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун дунё аҳоли орасида ирсий касалликлар ва ҳомила она қорни ичи аномалиялари тарқалишининг барқарор ўсиши тенденцияси кузатилмоқда. ЖССТ маълумотларига кўра туғма нуқсонлар янги туғилган чақалоқларнинг 5-5,5%, шу жумладан уларнинг умумий туғилиш кўрсаткичининг 2-3% да рўйхатга олинади. Шу билан бирга, уларнинг 15% салбий омиллар таъсиридан келиб чиқади, ҳомиладорлик пайтида қолганлари 85% асосан генетик хусусиятга эга. Ўзбекистонда охириги беш йиллик болалар инвалидлиги сабаблари таркибида туғма нуқсонлар 21,2% ни ташкил этди¹. Аини пайтда перинатал йўқотишларни камайтириш, оналар ва болалар соғлиғини сақлаш, ўз вақтида хавф гуруҳларини прогностик мезонларни ишлаб чиқиш, туғма нуқсонларни олдини олиш масалалари амалиётда ечими топилиши зарур.

Жаҳон миқёсида туғма нуқсонларни эрта ташхислаш, кечишини башорат қилиш ва келтириб чиқарувчи хавф омилларини аниқлашга қаратилган қатор илмий татқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада туғма нуқсонларни ривожланишида асосий хавф омиллари бўлиб хисобланадиган қариндош никоҳ, ота-она ёши, зарарли одатлари, анамнезида нуқсонлар учраши, контрацепция усулларини номутаносиб қўлланилиши, соматик касалликлар ва қондаги микроэлементлар миқдорини эътиборга олган ҳолда ҳомиладор аёлларда учрайдиган туғма нуқсонларни ўз вақтида ташхислаш, ҳомиладорликни олиб бориш, нуқсонлар ривожланишини олдини олиш тартибини амалиётга татбиқ қилиш чора – тадбирлар комплексини ишлаб чиқишга қаратилган илмий татқиқотларни олиб бориш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, оналар ва болалар саломатлигини сақлаш, уларда учрайдиган касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтириш, туғма нуқсонлар ривожланишини олдини олишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. «...Оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш»² вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиқган ҳолда ҳомиладорларда гиповитаминоз учраш ҳолларини аниқлаш, юқорида санаб ўтилган макроэлементларнинг даражаси билан комплексдаги танқислигининг ўзаро оғирлаштирувчи таъсирини исботлаш, ҳомила туғма нуқсонларни ривожланиши ва бундай ҳомиладорларни олиб

¹ Маматкулов Б.М., Авезова Г.С. Врожденные аномалии как причина детской инвалидности (по материалам Ташкента, Узбекистан) //Наука молодых– 2021.

² *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисиغا 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3071-сон Қарори.*

бориш тактикаси хавфини эрта аниқлашнинг ташхисотли алгоритмини ишлаб чиқиш, туғма нуқсонлар келиб чиқиш патогенезида муҳим ҳисобланган хавф омилларни аниқлаш нуқсонлар асоратлари натижасида юзага келадиган болалар инвалидлиги ва ўлими кўрсаткичини камайтириш имконини беради. Тиббиётнинг барча перинатал йўналишлари бўйича замонавий илмий-тадқиқот фаолияти ютуқларини ихтисослаштирилган тиббий ёрдам тизимига фаол жорий этиш кўзда тутилган.

Ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги "2022-2026 йилларда оналик ва болаликни кучайтириш тўғрисида" ги ПҚ-216-сон қарори билан репродуктив ёшдаги ва ҳомиладорлар, болалар учун юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, скрининг ва перинатал марказлар иши такомиллаштиришда ушбу қарор ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.³ 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Клиник тадқиқотларнинг бир қатор мета-таҳлиллари шуни кўрсатадики, гипергомоцистеинемия нафақат асаб найчалари нуқсонлари билан, балки қорин олд деворининг аномалиялари, буйраклар, диафрагма чурраси ва кўплаб туғма нуқсонлар билан ҳам боғлиқ (Van Mil N.H. et al., 2019). Перинатал даврда (Wald N., 2018) ҳомилада турли хил скелет дисплазияси ва ўсмалар (бўйин лимфангиомасининг сакрокоилеал тератомаси) аниқланганда онанинг қон плазмасидаги гомоцистеин даражасининг ошиши қайд этилди. Ҳозирги вақтда фолатлар билан терапия ҳомиладорлик асоратлари ва перинатал патологиянинг патогенетик олдини олишнинг асосий чораси сифатида белгиланган (Джобова Э.М., 2015; Мондоева С.С., 2019; Votto L.D. et al., 2015; Boushey, C. J. et al.; Wald N. et al., 2018). Фолат дастурини амалга ошириш йўллари таклиф қилинган, лекин ҳозиргача, статистикага кўра, 500,000 болалар нуқсонлар билан дунёга ҳар йили туғиладилар (Bower C. et al., 2020).

Ҳомила она қорни ичи аномалияларининг пренатал ташхисининг рўйхатга олинган кўрсаткичлари 26,1% дан (Бошқирдистон Республикаси, 2018) 44,0% гача (Краснодар ўлкаси, 2017). Шу билан бирга, ҳомила она қорни ичи аномалияси шаклланиши учун хавф омилларини аниқлаш,

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги "2022-2026 йилларда оналик ва болаликни кучайтириш тўғрисида" ги ПҚ-216-сон қарори

Қирғизистонда ўтказилган профилактика чоралари ва пренатал скрининг самарадорлигини баҳолаш, ҳомиладорларда туғма нуқсонларнинг пайдо бўлишини башорат қилиб аёлларнинг хавф омилларини таҳлил қилиш, ва олдини олиш компьютер тизимини ишлаб чиқилди (Жаманкулова Ф. С., 2020).

Бир қатор муаллифлар туғма аномалияларни аниқлаш ва тарқалишига пренатал диагностиканинг самарадорлиги ва таъсирини ўрганишган. Кўп марказли тадқиқотга кўра, ҳомиладорларни мажбурий пренатал скрининг киритилгандан кейин ултратовуш текшируви билан қамраб олиш 82% ни, усулнинг ўртача сезгирлиги эса 36% ни ташкил этди (Шарипова, М. К. 2018). Мамлакатимизда бугунги кунга қадар ҳомилада хромосома ва ген касалликларини аниқлаш учун инвазив скрининг диагностикаси усуллари бўйича ишлар олиб борилмоқда. (Илясов А. В., 2021).

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Бухоро Давлат тиббиёт институтида (06.2022 PhD 147) "Covid 19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усуллари ишлаб чиқиш (2022-2026)" мавзусидаги тадқиқот режалари доирасида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади ҳомила она қорни ичи нуқсонлар ривожланиш хавфини эрта ташхислашда ноинвазив ва биокимёвий предикторлари асосида башоратлаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Бухоро вилоятида туғма нуқсонлар шаклланишининг учраш даражаси ва тиббий - ижтимоий хавф омилларини ретроспектив таҳлили;

ҳомила она қорни ичи нуқсонлар хавфи ривожланишида эрта ултратовуш (ёқа бўшлиғи қалинлиги, орқа калла суяги чуқурчаси, 1-триместрда ҳомила юрак уриши) ва биокимёвий маркерларни (гомоцистеин, витамин Д 25 (ОН), витамин В 12, PAPP-A, АФП, ХГЧ, Mg, рух миқдори) аниқлаш;

ҳомила она қорни ичи нуқсонлар хавфи ривожланишини биокимёвий ва инструментал маркерларнинг корреляцион муносабатларини дифференциал фарқлаш;

ҳомиладорликдаги перинатал асоратлар хавфини эрта баҳолаш учун ҳомила она қорни ичи нуқсонларининг ривожланиш хавфини башоратловчи матрица асосида электрон компьютер дастурини ишлаб чиқиш ва уни олдини олиш алгоритминини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти Бухоро вилояти шаҳар туғруқ комплекси ва Бухоро вилоят скрининг марказидан 143 нафар ҳомиладорлар бўлган, шундан 105 та ҳомиладордан клинко- лаборатор ва ултратовуш текшируви натижалари олинди.

Тадқиқотнинг предмети биокимёвий тадқиқотлар учун веноз қон ва ҳомиладорларнинг қон зардобидан намуналар, клиник ва инструментал тадқиқотлар натижалари тақдим этилди.

Тадқиқотнинг усуллари. Инструментал (УТТ) клиник ва биохимик (гомоцистеин, витамин В12, қонда Mg даражаси, АФП, ХГЧ, PAPP A, рух микдори), гормонал витамин Д(25 (ОН) Бухоро вилоят скрининг марказ ва “Стандарт диагностика” лабораториясида колориметрик ИХЛА тести орқали қон зардобида *in vitro* автоматлаштирилган аппаратда аниқланди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

PRISCA таҳлили йўналишини назорат қилган ҳолда ҳомиланинг она қорни ичи нуқсонларининг вужудга келиши эҳтимоллигини пре ва концепцион профилактикаси учун эрта скринингнинг таъсири, ижтимоий-биологик, тиббий хавф омиллар ривожланишини башорат қилишнинг электрон дастурли прогностик матрицаси соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини учун ишлаб чиқилди;

перинатал патологияларнинг биокимёвий-лаборатор ва ноинвазив скрининг кўрсаткичлари билан туғма нуқсон учраши узвий ўзаро корреляцион боғлиқлиги асосланган;

ҳомиладорликда юқори хавфлар аниқланганда уни тўхтатиш ёки узайтиришга бўлган дифференциаллашган ёндашув учун бир қатор бошқариладиган хавф омилларини олдини олишда ҳомиладорларда эрта ноинвазив ва биокимёвий маркерлар (гипергомоцистеинемия, PAPP-A, АФП нинг ошиши) ўртасидаги бевосита, юқори корреляцион боғлиқлиги исботланган;

ҳомиладор аёлларда гомоцистеин микдорини ошиши ҳомиладорлик кечишига салбий таъсир этиб ҳомила она қорни ичи нуқсонлар ривожланишида оксидатив стресс, плацентар қон айланиш ва қон томир фаолиятининг бузилиши муҳим омил эканлиги исботланган;

она қорни ичи нуқсонларининг ривожланиш хавфларида инфекция, гормонал, биокимёвий ва уч каррали скрининг текширувининг боғлиқлик аҳамияти аниқланиб, ҳомиладорликни олиб бориш, аёлларни оналикка тайёрлаш ва ҳомиладорликни олиб бориш алгоритми яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилар:

Хавф гуруҳидаги ҳомиладорларда перинатал патологияларни ташхислаш, ривожланишини прогноزلаш ва терапевтик-профилактика чораларини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилди;

Ҳомила она қорни ичи нуқсонларнинг юқори ривожланиш хавфини анамнестик ва клиник-биокимёвий ўзгаришлари илмий асосланиб, услубий тавсиялар ишлаб чиқилди;

тадқиқот натижаларига кўра ҳомиладорларда ҳомила ичи нуқсонларни эрта башоротловчи прогностик матрица ишлаб чиқилди;

Ҳомила она қорни ичи нуқсонларга юқори хавф бўлган аёлларни предгравидар ва гестацион профилактик-диагностик усулларни оптималлаштириш мақсадида уни олдини олиш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий ишда ишлатилган замонавий скрининг томонидан тасдиқланган клиник, инструментал, лаборатория ва статистик усулларни информативлиги; текширилган аёллар

етарли сони, назарий ва амалий натижалари, хорижий ва маҳаллий тадқиқотлар билан олинган натижалар таққосланганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан ишончилиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти келажақда ҳомила ривожланиш нуқсонларининг юқори хавф остида бўлган аёллар асоратларини башорат қилишда лаборатор-инструментал текширишлар ва клиник белгилар таҳлил қилиниб нуқсони бор ҳомиладорларда микроэлементлар етишмовчилиги ёки танқислиги патогенетик даволаш ва олдини олиш алгоритми ишлаб чиқилди ҳамда нуқсонлар келиб чиқиши билан боғлиқлигини исботлаш асосида ўз вақтида ташхис қўйиш ва асоратларини олдини олиш билан изоҳланади. Ҳомила ривожланиш нуқсони хавфи юқори бўлган ҳомиладорларда тадқиқот натижалари ҳомила нуқсонлари этиопатогенези янги қирраларини очиб берди. Илмий тадқиқот амалий аҳамияти нуқсонларни интерпретациясида методологик ёндашув бирламчи звено фаолиятига енгиллик киритди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳомиладорлик даврида ҳомила она қорни ичи нуқсонларини ташхислаш компютер захирасини яратиш, уларнинг ҳолатини динамик кузатиш ҳамда унинг самарадорлигини баҳолаш, ҳомила она қорни ичи нуқсонларини башорат қилиш учун ЭХМ дастури ишлаб чиқилганлиги аёлларда нуқсонлар ривожланишини эрта ташхислашни, она ва бола ҳаётини сақлаб қолиши ва тиббий ёрдамни сифатини оширишга имкон берувчи амалий тавсияномалар тиббиёт амалиётига тадбиқ этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Ҳомила она қорни ичи нуқсонлар учраш частотаси, эрта ташхислаш чора тадбирларини оптимизациялаштиришни таҳлил қилиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижаларига кўра:

она қорни ичи ҳомила нуқсонлари хавфини пренатал скрининг диагностикаси бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган "Она қорни ичи ҳомила нуқсонлари хавфини пренатал скрининг диагностикасини башорат қилиш усуллари" номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 18 сентябрдаги 8н-р/811-сон маълумотномаси); Ушбу тавсияномада ҳомила она қорни ичи хавфи бор ҳомиладорларни саралаш, ҳамда уларни эрта хавф гуруҳларини аниқлаш уз навбатда акушерлик муассасаларида она ва ҳомила учун салбий оқибатлар сонини камайтириш ва даволаш учун кетаётган маблағни тежаш имконини берган.

ҳомила она қорни ичи нуқсонлар хавфи остида ташхис қўйиш ва даволаш бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган "Ҳомила она қорни ичи нуқсонлар хавфи остида ташхис қўйиш ва даволаш алгоритмлари" номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 29 сентябрдаги 8н-р/845-сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиялар ҳомила она қорни ичи нуқсонларнинг ривожланишида хавф гуруҳига мансуб ҳомиладорларни олиб

бориш, юқори хавф омиллари билан боғлиқ ҳомиладорлик асоратларини камайтириш имконини берган;

Олинган илмий натижалар, ҳомиладорларда акушерлик ва перинатал асоратларни олдини олиш ва даволаш тамойилларини клиник ва патогенетик асослаш соғлиқни сақлашнинг амалий фаолиятида, жумладан: Бухоро шаҳридаги 1 -, 4 -, 6 -, 8-сонли оилавий поликлиникаларда, шаҳар туғруқ мажмуаси, Бухоро туман тиббиёт муассасасида (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 8н-з/576-сонли 12.30.2021-сонли хулосаси), олинган натижаларни амалиётга татбиқ этиш ҳомила она қорни ичи нуқсонлари бор аёлларда ҳомиладорлик, туғруқни олиб бориш тактикасини ишлаб чиқиш, асоратлар хавфини башорат қилиш, акушерлик ва перинатал асоратларни камайтириш орқали тиббий ёрдам сифатини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий конференцияларида маълум қилинди ва муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий иш, шу жумладан 8 та журнал мақолалари, 5 та республика ва 3 та хорижий нашрларда, жумладан 1 та скопус журналида докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва маълумотномалар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 103 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланганлиги, объекти ва предмети тавсифланганлиги, тадқиқотнинг республика фан ва техникасининг устувор соҳаларига мувофиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, илмий ва амалий аҳамияти олинган тадқиқот натижалардан нашр этилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар ва диссертациянинг тузилиши очиқ берилган.

Диссертациянинг 1 бобида “Ҳомила она қорни нуқсонларини эрта ташхислаш ва унинг прекоцепцион профилактикаси” батафсил назарий жиҳатлари ёритилган, хорижий ва маҳаллий анализлар бўйича вазифалар ҳомила она қорни ичи нуқсонни тушунчаси олдини олишни ривожлантириш, биринчи триместрда ҳомила она қорни ичи нуқсонларининг кенг тарқалган хавфли ривожланиши, она қорни ичи нуқсонлар бўйича хавфли ўзгаришларни инструментал ва лаборатория даволаш усуллари, эрта скрининг орқали олдини олишни башорат қилинган усуллари ёритилган.

Диссертациянинг "Ҳомила она қорни ичи нуқсонларини олдини олишда текшириш материаллари ва тадқиқот усуллари" номли иккинчи

бобида клиник материаллар ва илмий ишда синовдан ўтган усуллар кўриб чиқилган.

Диссертация иши материаллари Бухоро давлат тиббиёт институтининг тиббий педагогика факультети акушерлик ва гинекология кафедраси (кафедра мудири - тиббиёт фанлари доктори, профессор Г.А. Ихтиярова, ректор - проф. Ш. Ж. Тешаев), Бухоро шаҳар туғруқ мажмуасидан (бош врач - З.М.Саидова) ва Бухоро вилояти "она ва бола скрининги" маркази (директор - Д. Р. Ахмедова).

Вазифаларни бажариш учун Бухоро вилоятида 2018-2019 йилларда ҳомила нуқсонлари аниқланган 751 ҳомиладорлар амбулатор карталари ретроспектив таҳлили, проспектив таҳлилда 143 та ҳомиладор, уларнинг 46 таси ҳомила нуқсони бор, 22 ҳафталик ҳомиладорлик, 59 ҳомиладор 22 ҳафтагача ҳомила она қорни ичи нуқсонларга хавфи бўлган ҳомиладорлар, ҳамда 38 нафар нисбатан соғлом ҳомиладорлардан иборат. Ҳомиладорлар клиник (традицион гинекологик текширув); функционал диагностика (ультратовуш ва доплерометрия); клиник-лаборатор ва биокимёвий усуллар (умумий қон, сийдикда рух миқдори, қонда ферритин, гомоцистеин, вит Д 25 (ОН) ва PAPP A) Бухоро шаҳри «Макромедлаб» хусусий лабораторияда текширилган.

Биринчи босқичда Бухоро вилояти "Она ва бола" скрининг маркази архивидан тўпланган 2018-2020 йилларда Бухоро вилоятида учраган ҳомила нуқсонлари тиббий-ижтимоий хавф омиллари ўрганилди.

Асосий эътибор ҳомиладорлик даври 22 ҳафтагача бўлган 105 та ҳомиладор, шулардан 46 таси ҳомила она қорни ичи нуқсонлари тасдиқланган, 59 таси ҳомила она қорни ичи нуқсонларига юқори хавф гуруҳидан иборат. Ретроспектив гуруҳда 315 (38,2%) нерв тизими нуқсонлари, кўшма нуқсонлар 212 (25,7%), юз ва буйин нуқсонлари 110 (13,4%), сийдик тизими нуқсонлари 55 (6,7%), суяк тизими нуқсонлари 52 (6,33%), юрак тизими нуқсони 43 (5,3%) ва ошқозон ичак тизим нуқсонлари 23 (2,8%).

Ультратовушли текширишлар ҳомиладорликнинг 22 ҳафталик муддатида трансабдоминал текшириш учун 3,5 Гц датчиклардан фойдаланиб Philips ClearVue 5 (АҚШ) фирмасининг эксперт синф аппаратида ўтказилди.

Бизнинг илмий ишимиз асосини ҳомила она қорни ичи нуқсонларн эрта предикторларини аниқлаш, жумладан анамнестик маълумотлар, айниқса бўлажак ота-она ёши, турмуш ўртоғи зарарли одатлари, туғруқ, олдинги ҳомиладорликда антенатал давр кечиши, анамнезида туғма нуқсонлар борлиги, гинекологик ва соматик касалликларни ўтказганлиги ҳомила она қорни ичи нуқсонлар предикторлари ҳисобланади.


Асосий диққат ҳомила она қорни ичи нуқсонларнинг келиб чиқишининг клиник-анамнестик, биокимёвий ва фетометрик эрта предикторларига қаратилди. Вирусли инфекциялар (HSV, CMV, Chl.trachomatis) ИФА усули билан скрининг марказда Mindray 66 аппаратида врач лаборант Хаётова Р.И томионидан ўтказилган.

Бухоро вилояти аёллар популяцияси орасида проспектив текширув асосида ҳомила нуқсонлари келиб чиқишининг эрта предикторлари ўрганилди, қуйидаги омиллар аниқланди: ўткир респиратор вирусли

инфекциялар(иситмали 32,2% ва иситмасиз 89% шунда $p < 0,001$), фолатларни кеч ёки умуман қабул қилмаганлик, ҳомиладорда камқонликнинг борлиги, қишлоқ шароитида яшаши, касби, уруғланишнинг қишки ёки ёзги мавсумда бўлганлиги, ҳамда онанинг ёши 35 ва ундан катталиги аниқланди.

Олинган маълумотларга Спирменнинг даражали корреляцияси усулида статистик дастурларнинг STATISTICA 10,0 стандарт пакети ҳамда табиий жуфтлар ўртасида ўзаро боғланган 2 вариацион қатор хатосини аниқлаш билан Ері Info 7.2.2.2 статистик дастури усулида ишлов берилди. $P < 0,05$, $P < 0,01$, $P < 0,001$ да фарқлар ишончли деб қабул қилинди.

Диссертациянинг учинчи боби "**Ҳомила она қорни ичи нуқсонлари бор аёлларда клиник, анамнестик, лаборатор ва инструментал кўрсаткичлари**" тўртта кичик бўлимдан иборат. "Бухоро вилоятида ҳомила она қорни ичи нуқсонлари учраши ва тузилиши" биринчи бўлимида ҳомиладор ва уларнинг турмуш ўртоқларининг анамнестик таҳлиллари ўрганилди. Ҳомила она қорни ичи нуқсонли 751 ҳомиладорлар барча клиник-анамнестик кўрсаткичлари ўрганилиб, ретроспектив текширувда кўрилган ёши катта аёллар 18 ёшдан 37 ёшгача, ўртача ёш - 26, 21 ёшгача ва 28 ёшдан 30 ёшгача ҳомила она қорни ичи нуқсони бўлган аёллардан иборат (расм.1). Биринчи гуруҳдаги аёлларда ҳомиладорлик акушерлик, гинекологик ва соматик касалликлар фонида давом этди ва кўп ҳолларда уларнинг бир нечта тури комбинирланиб келиши тасдиқланди.



Расм 1. Ҳомила она қорни ичи нуқсоннинг ёш жиҳатидан пайдо бўлиш частотаси.

Тадқиқотга кирган ҳомиладор аёлларнинг репродуктив функцияси анамнезда ҳомиладорликнинг сони ва уларнинг натижаларини ҳисобга олган ҳолда баҳоланди (1-жадвал). Кузатилган гуруҳларнинг паритетини ҳисоблашда қуйидаги натижалар олинган: ҳомиладорларнинг аксарияти кайтатуғувчи ва кайтаҳомиладорлар эди.

Жадвал 1

Ретроспектив текширилаётган гуруҳда ҳомиладорлик ва туғиш паритети кўрсаткичлари

Ҳомиладорларнинг репродуктив фаолияти		2018 йил n=380		2019 йил n=371	
		абс.	%	абс.	%
Паритет ҳомиладорлик	Биринчи ҳомиладор	87	22.8	93	25.06
	Қайта туғувчи	293	77,1	278	74.9
Паритет туғруқ	0	32	8,4	52	14,01
	1	87	22.8	152	40.9
	2	115	30.2	115	30.9
	3 ва ортиқ				

Шунингдек, кўп аёлларнинг гинекологик анамнезини ўрганганда, кўплаб ҳомиладор аёллар турли гинекологик касалликлар ўтказиб, даволанганлиги маълум бўлди (2-жадвал).


Жадвал 2

Ретроспектив гуруҳдаги аёлларнинг гинекологик анамнези

Касаллик	2018 йил n=380		2019 йил n=371	
	абс.	%	абс.	%
Бепуштлиқ	45	11.8	-	-
Тухумдон кистаси	30	7.8	22	5.9
Цервицит/эндоцервицит	141	37.	81	21.8
Бачадон миома	57	15	5	1.3
КЧАЯ(ср.аднексит)	56	14.7	137	36.9
Жинсий йўл орқали юқадиган инфекциялар	88	23.1	115	30.9
ЦМВ	96	25,2	123	33.1
Герпес	154	40,5	102	27.4
хламидиоз	158	41,5	86	23.1


Жадвалларда келтирилган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда, бачадон ва унинг ортиқлари яллиғланиш касалликлари ва эндометрит билан касалланган беморларнинг кўп учраши, жинсий аъзолар яллиғланиш касалликлари барчага ҳомиладорларда кузатилди. Шундай қилиб, анамнезида бачадоннинг сурункали яллиғланиш касалликлари 56 (14,7%) 1-гуруҳида ва 37 (36,9%) ҳомиладор назорат гуруҳларида аниқланди. Шу билан бирга ЦМВ 2018да

25,2% дан 33,1% га ошганлиги, ҳамда герпес 40.5% ва хламидиоз 41.5% дан 24.4% ва 23.1% га пасайганлиги кузатилди.



2-расм. Текширилган аёлларда соматик ва инфекцион касалликлар

Текширилган аёлларнинг анамнезига турли хил соматик ва инфекцион касалликлар кузатилган, уларнинг таҳлили турли нозологик шаклларнинг частотасида етарли ўзгарувчанликни кўрсатди (расм-2). Кўпинча турли даражадаги анемия кузатилган (81,2%), 1-гуруҳдаги ҳомиладорлар орасида ҳомиладорлик гипертензияси 40% да қайд этилган, назорат гуруҳидаги ҳомиладорларда эса аниқланмаган ($p < 0,05$). 2018 -2019 йилда 751 та чуқур ўрганилиб ва 2020 йилда 421 та ошганлиги, улар орасида турли хил ҳамда, комбинирланган нуқсонлар рўйхатга олинган бўлиб, шулардан 21 хил нуқсон 100 та ҳомиладорда қайд қилинган. Бундан ташқари, 46 ҳомиладорда пренатал текширув пайтида ривожланиш нуқсонлари турли хил аниқланди. Йиллар бўйича кузатиш натижалари 3-расмда кўрсатилган.



3-расм. Бухорода 2018-2020 йилларда ҳомила она қорни ичи нуқсонлар учраш частотаси

Ҳомила она қорни ичи нуқсонларининг жами 66,7% ҳомиладорларнинг ултратовуш текшируви ёрдамида аниқланди. Уч мартаба скрининг ҳомиладор аёлларнинг 83%(ва тез-тез нуқсонга гумон)да амалга оширилди. Баъзи ҳолларда инвазив пренатал ташхис қўйилди. Аниқланган патологияни таҳлил қилишда унинг муҳим қисми нуқсондан иборат эканлиги таъкидланди: остеоартикуляр тизимнинг ҳомила ривожланишининг ҳомила

она қорни ичи нуқсонлари 6,3%; буйрак аномалиялари — 6,7% ; ошқозон — ичак тракти —2,8%; юрак — қон томир тизимининг нуқсонлари — 5,8%; Марказий асаб тизимининг нуқсонлари -38,2%, жинсий органлар — 6,7%; юз-бўйин нуқсонлари 13,4% дан иборат бўлди. Бир нечта (комбинацияланган) нуқсонлар 25,7 аниқланди (4-расм). Шуни таъкидлаш керакки, аниқланган туғма нуқсонлар сони 2018-2019- йилларга нисбатан 2020 йилга 62,1% га ошганлиги аниқланган. Пренатал диагностика хизматининг асосий фаолияти нуқсонлар ва хромосома аномалиялари бўлган болалар туғилишининг олдини олишдир.

Биринчи ва иккинчи триместрда, 59 та хавф гуруҳидаги ҳомиладорларда (мия қон томир чигали кистаси, буйракларнинг пиелоектазияси, марказий нерв системаси нуқсонлари, анамнезида ҳомила она қорни ичи нуқсон мавжудлиги, қариндош никоҳ, Ковид 19 тасдиқланган ва гумон қилинган) АФП, ХГЧ, гомоцистеин ва вит Д 25(ОН) миқдори қонда аниқланган бўлиб уларнинг нуқсон ривожланишида эрта биокимёвий предикторлар эканлиги аниқланди.




4-расм. Бухоро вилоятида ҳомила она қорни ичи нуқсонларининг 2018-2019 йилларда аниқланган структураси.

Ушбу бобнинг иккинчи кичик 3.2 бўлимида "Проспектив тадқиқотнинг натижалари" ўрганилди.

2020-2021 йиллар давомида ҳомиладорларда ҳомиланинг стандарт ултратовуш текширувлари таҳлили ўтказилди. Тадқиқот учун ҳомиладорлар 2 гуруҳга бўлинди: асосий гуруҳ Бухоро вилояти скрининг марказидан 2020-2021 йилларда рўҳатга олинган 46 та ҳомила она қорни нуқсонлари тасдиқланган, 59 та 22 ҳафтагача бўлган нуқсон ривожланиш хавфи бўлган ҳомиладорлар, ҳамда назорат гуруҳига ҳомиладорлиги нормал кечган 38 аёл киритилган.

Биринчи ва иккинчи триместрда, 59 та хавф гуруҳидаги ҳомиладорларда (мия қон томир чигали кистаси, буйракларнинг пиелоектазияси, марказий нерв системаси нуқсонлари, анамнезида ҳомила она қорни ичи нуқсон мавжудлиги, қариндош никоҳ, Ковид 19 тасдиқланган ва гумон қилинган) АФП, ХГЧ, гомоцистеин ва вит Д 25(ОН) миқдори қонда аниқланган бўлиб уларнинг нуқсон ривожланишида эрта биокимёвий предикторлар эканлиги аниқланди.

Хавф гуруҳига мансуб ҳомиладорларни мақсадли текширувни, ҳомиладорликни олиб боришнинг оқилона тактикасини, ҳомила она қорни ичи нуқсонларни ўз вақтида аниқлашни, ҳаётга мос келмайдиган нуқсонлар билан ҳомиладорликни тўхтатиш тактикаси ишлаб чиқилди. Ҳомиладор аёлларнинг ёши 18 ёшдан 44 ёшгача бўлган: 18-29 ёш – 62,5% (n=26), 30-39 ёш – 12,5% (n=30), 40 ёшдан ошган – 25% (n =3) бўлган. (5-расм)



5-расм. Ҳомила она қорни ичи нуқсонлари бўлган ҳомиладорлар ёш градацияси.

Жадвал 3

Ҳомила она қорни ичи нуқсонли ҳомиладорлар гуруҳининг асосий лаборатория параметрларининг назорат гуруҳига нисбатан қиёсий хусусиятлари.

	Аномалияси бор касаллар (n=46), %	Назорат гуруҳи (n=38), %	χ^2	P	OR	Пастки қирра . 95% ДИ	Баланд қирра. 95% ДИ
В12 Қондаги миқдори <300	87,0	13,2	45,566	<0,001	44,00	12,32	157,18
Қондаги магний миқдори <0,8	73,9	15,8	% 28,185	<0,001	15,11	5,07	45,05
Ферритин <100	69,6	13,2	26,865	<0,001	15,09	4,87	46,75
Сийдикда рух миқдори:<200	93,5	10,5	58,100	<0,001	121,83	25,52	581,58
Витамин Д 25 -он миқдори <15	97,8	2,6	76,121	<0,001	1665,00	100,67	27539,03
Гомоцистеин миқдори <25	52,2	21,1	8,546	<0,01	4,09	1,55	10,80

Бизнинг тадқиқотларимизда нуқсонлари бор ҳомиладорлар гуруҳида В12 витамини даражаси 87,0% да паст бўлганлиги ва 13,2% назорат гуруҳида, сийдикдаги рух даражаси 93,5% назорат гуруҳида 10,5% га, қондаги магний титри 73,9% га назорат гуруҳига нисбатан 15,8% паст бўлганлиги қайд этилиши ҳомила нуқсонларини келиб чиқиш хавф омили юқори эканлигини кўрсатди. Қонда феритин даражаси 69,6% пастлигини, мос равишда камқонлик 1-гуруҳда 13,2% назоратга нисбатан кўпроқ кузатилди. Анамнез маълумотларига кўра, 1-гуруҳдаги витамин Д 25 (ОН) даражаси деярли барча беморларда паст бўлиб, у 97,8% ни, назорат гуруҳида эса 2,6% ни, қонда гомоцистеин даражаси 52,2% да назорат гуруҳида 21,1% га нисбатан юқори бўлган, жадвалда кўрсатилганидек ушбу нуқсонларнинг ривожланишининг бирламчи эрта предикторлари ҳисобланди.

Учинчи кичик бўлимда "Проспектив таҳлилда биокимёвий тадқиқот натижалари" кичик бобида РАРР А, гомоцистеин концентрацияси ва туғма нуқсонлар ўртасидаги динамик ўзгарувчанлик марказий асаб тизими, нафас

олиш тизими ва киста гигромаси нуқсонларида бошқа нуқсонларга нисбатан олинганда яққол боғлиқликни кўрсатди.

Жадвал 4

РАРР А кўрсаткичлари эрта скрининг предиктори

УТТ текшируви	РАРР-а(0.51-2.01МоМ норма)		
	>0,79	0,79-6,01	6,01>
Нерв системаси нуқсонлари (n=47)	70%	30%	-
Сийдик йўли аномалиялари (n=8)	50%	50%	-
Кистали гиром (9)	67%	33%	-
Таянч тизими аномалиялари (5)	40%	60%	-
Нафас йўллари нуқсонлари (6)	100%	-	-

Шундай қилиб, турли ҳомила она қорни ичи нуқсонларни аниқлашда РАРР А ва ультратовуш текшируви орасида сезиларли боғлиқлик мавжудлиги аниқланди. РАРР А концентрацияси ва туғма нуқсонлар ўртасидаги ўзгарувчанлик тўғридан-тўғри муносабатларни намоён этди.

Туртинчи кичик бўлимда "**Проспектив текширувда фетометрик маълумотлар**", ҳомила ривожланишигинг биринчи триместри бу ҳомиланинг барча органлари ва тузилмаларининг шаклланиш даври. Биринчи триместрнинг охирига келиб эмбрионал давр тугайди ва ҳомила ривожланишининг перинатал даври бошланади. Бу даврда 11 ҳафта 1 кундан 13 ҳафтагача 6 кунлик ҳомиладорлик аномалияларнинг график ва ултратовуш белгилари скрининг диагностикаси учун энг қулай башоратлаш даври ҳисобланади.

Скрининг текширувда ҳомила фетометрияси амалга оширилди, тана қисмларининг ҳажми аниқланди ва барча анатомик тузилмалари баҳоланди. 1-триместрда ултратовуш текширувида қуйидаги параметрлар баҳоланган: краниал ўлчам ва мия суяклари, умуртқа поғонаси, қорин олд девори, ҳомила оёқ-қўллари, юз тузилмалари, кўкрак ва қорин аъзолари, шунингдек хромосома аномалияларининг асосий эхографик белгилари ўз навбатида туғма нуқсонларни эрта башоратлашга ёрдам берди.

Жадвал 5


Бипариетал БПЎ ва пешонаэнса ўлчамлари ПЭЎ (M±S) в мм вариацияси.

Ҳомила дорлик ҳафтаси	Клиник гуруҳлар I (n=46)		Клиник гуруҳ II (n=59)		Назорат гуруҳи (n=38)	
	ВПР	ЛЗР	ВПР	ЛЗР	ВПР	ЛЗР
12-13	23,9± 2,2	29,1± 0,9	22,2± 1,9	22,6± 1,3	21,7± 1,4	26,± 1,2
14-15	38,5±	36,3± 0,6	35,1± 1,1	35,1± 1,2	34,5±	33,9±

	1,9				1,2	1,3
20-22	60±2,6	76,1± 0,4	57±0,4	72,5± 0,9	55± 0,6	71,5± 1,3


Турли хил ҳомиладорлик даврларида БПЎ ва ПЭЎ ларининг катталиги орқа мия бўшлиғининг катталашуви ва марказий нерв системасининг зарарлаши исботланган ҳолда тасдиқланди, жумладан венрикуломегалия ҳамда гидроцефалия 16 ҳафтагача жуда кўп учрайдиган нуқсон ҳисобланиб, жуда кўп учрайдиган ҳомила она қорни ичи нуқсонига киради. Текширилган ҳомиладорларда нерв системаси нуқсонлари венрикуломегалия ва гидроцефалияга нисбатан 44,7 % га кўпроқ учрайди.

Бош мия нуқсонларини аниқлашда кўшимча равишда рангли ва импульсли доплерометрия ишлатилиши, аниқланган нуқсоннинг қон-томир генезлигини ташхислаш учун муҳим ҳисобланади. Проспектив текширувда ҳомила юрак уриши 90 тадан кам уриши назорат гуруҳига нисбатан 60,9% кўп учрайди, ёқа бўшлиғи қалинлигининг 3 мм катталиги хавф гуруҳида 60,9 % касалларда назорат гуруҳига нисбатан 7,8% кўп учраши аниқланган. Шу билан биргаликда орқа мия чуқурчаси катталиги 45,2 % ҳомиладорларда учрагани ва назорат гуруҳида 7,15 учраши яна бир бор ҳомила она қорни ичи аномалияларини эрта ташхислаш предикторлари ҳисобланади(расм 6).




Расм 6. Фетометрик кўрсаткичлар таққосланиши.

Диссертациянинг тўртинчи бобида "Туғма нуқсонли беморларда ултратовуш текшируви кўрсаткичлари ва биокимёвий параметрларнинг ўзаро боғлиқлиги тўғрисида маълумотлар", ҳомила ривожланиш нуқсонларини ташхислаш мақсадида, ҳомиладаги ўзгаришларни батафсил тавсифлаш, ҳомиладорларда биокимёвий ва фетометрик кўрсаткичлар ўзаро боғлиқлиги ўрганилди.




7-расм. Ҳомила она қорни ичи нуқсонли ҳомиладорларда фетометрик ва биокимёвий (ёқа бўшлиғи қалинлиги вит 12 ва PAPP A) корреляцияси.

7-расм текшириш ҳомила она қорни ичи нуқсонлар ҳақида энг кўп курсаткич юқорида жойлашган бир нечта курсаткичларига доир деярли бир хил кичкина ўқ шаклида. Олинган ултратовуш ва PAPP A ва витамин B12 ($p=0.61$; $p=0.80$) кўрсаткичлари ($p=0.78$ $p=0.63$), бу ҳомиладорларда туғма нуқсонларнинг диагностикаси ва прогнозида PAPP A ва B12 фортификацияси ушбу биокимёвий параметр бу патологияни ҳақиқатдан ҳам келиб чиқишдаги хавфни аниқлашга имкон беради.



Расм 8. Ёқа бўшлиғи қалинлиги фетометрик кўрсаткич ва рух миқдори орасидаги корреляция.


Ҳомила она қорни ичи нуқсонлари бўлган беморларда корреляция маълумотларига кўра, 8-расмда кўрсатилган рақамлар аксарият кўрсаткичларнинг тренд чизиғига нисбатан деярли бир хил кичик оғиш шаклида юқори бир хил зичлигини кўрсатади, тренд чизиғидан юқорида жойлашган бир нечта кўрсаткичлар мавжуд. Олинган маълумотлар ултратовуш текшируви бўйича ёқа бўшлиғи қалинлиги фетометрик кўрсаткич ва сийдикдаги рух даражаси ($p=0,76$) ўртасидаги юқори тўғридан-тўғри боғлиқликни кўрсатади; $p=0.87$), бу ҳомиладорларда нуқсонларнинг диагностикаси ва эрта прогнозида сийдикда рух даражасидаги маълумотлардан фойдаланишнинг ишончлилигини кўрсатади.



9-расм. Ёқа бўшлиғи қалинлиги фетометрик кўрсаткичи ва вит Д25(ОН), гомоцистеин орасидаги коррелятив ўзгариш.

9-расмда кўрсатилган ҳомила аномалиялари бўлган ҳомиладорларнинг корреляцион муносабатлари аксарият кўрсаткичларнинг тренд чизиғидан юқорида жойлашган бир нечта кўрсаткичлари билан тренд чизиғига нисбатан деярли бир хил кичик оғиш шаклида юқори даражада зичлигини кўрсатади. Олинган маълумотлар ультратовуш, Д-25 (ОН) витамини, ёқа бўшлиғи қалинлиги кўрсаткичлари ва гомоцистеин даражаси ўртасида юқори тўғридан-тўғри боғлиқликни кўрсатади ($P=0.68$; $P=0.76$; $p=0.83$; $p = 0.88$), бу ҳомиладорларда ҳомила она қорни ичи аномалияларнинг диагностикаси ва эрта прогнозида Д-25(ОН) витамини ва гомоцистеин даражасининг ушбу биокимёвий кўрсаткичларидан фойдаланишнинг ҳақиқийлигини кўрсатди.


Шунингдек, биринчи триместрда биокимёвий параметрларни ҳомила ултратовуш маълумотлари билан ўзаро боғлашда, ҳомила она қорни ичи нуқсонлар келиб чиқиш хавфини эрта башоратловчи юқори корреляция алоқаси беради (6-жадвал).



10-расм. Ҳомила она қорни ичи нуқсонли ҳомиладорларда фетометрик ва биёкимёвий (РАРР А, Вит В 12) корреляцияси.

10-расмда кўрсатилган ҳомила ичи аномалиялари бўлган ҳомиладор аёлларнинг маълумотлари аксарият кўрсаткичларнинг тренд чизиғидан юқорида жойлашган бир нечта кўрсаткичлари билан тренд чизиғига нисбатан деярли бир хил кичик оғиш шаклида юқори бир хил бўлишини кўрсатади.

Олинган маълумотлар ултратовуш ва PAPP A ($p=120$; $p=0.61$; $p=0.64$; $p = 0.79$) бўйича 1 триместрда дақиқада ҳомила юрак уриши ҳам маълумотлар кўрсаткичлари ўртасида юқори тўғридан-тўғри боғлиқлик кўрсатади; $p = 0.81$), бу ҳомиладор аёлларда ҳомилалик аномалияларнинг диагностикаси ва эрта прогнозида Д-25(ОН) витамини ва гомоцистеин даражасининг ушбу биокимёвий кўрсаткичларидан фойдаланишнинг ҳақиқийлигини кўрсатади.



11-расм. Ҳомила она қорни ичи нуқсонли ҳомиладорларда (1 триместрда ҳомила юрак уриши рух, витамин Д 25 (ОН), гомоцистеин) корреляцияси.

11-расмда кўрсатилган ҳомила нуқсонлари бор ҳомиладорларнинг корреляцион муносабатлари аксарият кўрсаткичларнинг тренд чизиғидан юқорида жойлашган бир нечта кўрсаткичлари билан тренд чизиғига нисбатан деярли бир хил кичик оғиш шаклида юқори даражада зичлигини кўрсатади. Олинган маълумотлар ултратовушда 1 триместрда ҳомила юрак уриши 90 тадан кам ва сийдикда рух даражаси, витамин Д - 25 (ОН) ва гомоцистеин даражаларига ($p=0.53$; $p=0.54$; $P=0.52$; $p=0.73$ дан кам маълумотлар кўрсаткичлари ҳомила ўртасида юқори тўғридан-тўғри боғлиқлик кўрсатади; $p = 0.74$; $p = 0.72$), бу ҳомиладорларда ҳомила она қорни ичи нуқсонларни ташхислаш ва эрта прогноз қилишда сийдикда рух миқдори ва Д - 25 (ОН) витамини даражасининг ушбу биокимёвий кўрсаткичларидан фойдаланишнинг ҳақиқийлигини кўрсатади. Шундай қилиб, нуқсонлар ривожланиши хавфи бўлган ҳомиладорлар гуруҳида корреляцион тадқиқотларнинг диагностик усулларида фойдаланган ҳолда, аномалияси бор аёлларда компьютер дастури ва олдиндан башорат қилинадиган профилактика асосида ҳомиладорлик олиб бориш алгоритми ишлаб чиқилди. Биз биокимёвий параметрлар ва ҳомила ривожланишининг ҳомила

она қорни ичи нуқсонларни фетометрик эрта башорат қилувчилар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўрганиб чиқдик, бу эса ушбу башоратлар ўртасида юқори тўғридан-тўғри боғлиқликни кўрсатди.

Жадвал 6

Нуқсони (р) бор ҳомиладорларда ултратовуш текшируви параметрлари ва биокимёвий параметрларнинг корреляцион алоқаси

	Ёқа бўшлиғи қалинлиги	1 триместрда ҳомила юрак уруши
РАРР А	0,83	0,85
вит В12	0,78	0,73
Сийдакдаги руҳ миқдори	0,83	0,80
Витамин Д 25 (ОН)	0,85	0,84
Гомоцистеин миқдори	0,81	0,81

Шундай қилиб ҳомила она қорни ичи бор аёлда айнан ёқа бўшлиғи ,1 триместрда юрак уруши 90та дан камлиги ва биёкимёвий РАРР А, вит В12,сийдакдаги руҳ миқдори ,витамин Д 25 (ОН),гомоцистеин миқдори орасида юқори боғлиқликни кўрсатди (жадвал 6).

Диссертациянинг бешинчи бобида "ҳомила она қорни ичи нуқсонларнинг хавф ривожланиши юқорилигини башорат қилиш шкаласи" қон биокимёси ва фетометрия маълумотлари асосида балл тизимли хавф шкаласини яратилди.

**Ҳомиланинг она қорни ичи нуқсонларни хавф кўрсаткичларини
башоратловчи матрица.**

№	Кўрсаткич	Характеристика	балл
1.	Она ёши	35гача	0 балл
		35 еш ва ортик	1 балл
2.	Турар жойи	район	1 балл
		Шаҳар\район	0 балл
3.	Социал ҳолати	Ишчи	3 балл
		Бошқа касб	0 балл
4.	Хайз тури	Норма	2 балл
		кам/куп	0 балл
5.	Анамнезида инфекцион касалликлар	Ўзгарди	3 балл
		Ўзгармади	0 балл
6.	вит В12 миқдори	<300	4 балл
		>300	0 балл
7.	Магния миқдори	<0,8	3 балл
		>0,8	0 балл
8.	ферритин миқдори	<100	3 балл
		>100	0 балл
9.	Сийдикдаги рух миқдори	<200	5 балл
		>200	0 балл
10.	Витамин Д 25 –он миқдори	<15	5 балл
		>15	0 балл
11.	Гомоцистеин миқдори	<25	1 балл
		>25	0 балл
12.	Турмуш	қариндош эмас	0 балл
		қариндош	3 балла
13.	Онасида олдин бўлган нуқсонлар	Ўзгармади	0 балл
		Ўзгарди	4 балл
14.	Ҳомиладор зарарли одатлари	Ўзгармади	0 балл
		Ўзгарди	1 балл
15.	Отасини зарарли одатлари	Ўзгармади	0 балл
		Ўзгарди	1 балл
16.	Гинекологик анамнез	Йук эди	0 балл
		Бор эди	1 балл
17.	Отаси еши	35гача	0 балл
		35 дан ортик	1 балл
18.	Ҳомила юрак уриши 11-13 ҳафтада	110 та /мин	0 балл
		110 та/мин дан кам	2 балл
19.	ЁБҚ 1 триместрда 11-13 ҳафтада 3 мм гача	3 мм гача	0 балл
		3мм дан куп	3 балла

20.	11-13 ҳафтагача тож мавжудлиги узи текширувида	Йук	0 балл
		Бор	2 балл
		жами:	52 балл

8-жадвалда келтирилган якуний ўлчов ҳомила аномалиялари хавфининг балли ўлчовидир. Уни ишлатиш учун тақдим этилган 20 та белгининг ҳар бирини баҳолаш, сўнгра олинган маълумотларни умумлаштириш ва кейин олинган натижага қараб аёлда ҳомила аномалиялари хавфини аниқлаш керак: 0-5 балл – ҳомила аномалиялари хавфи паст, 137-буйруқ асосида поливитамин комплекслари профилактик дозада тавсия этиш. 6-20 балл – ҳомила аномалияларнинг ўртача хавфи ҳисобланиб, 137 приказ асосида поливитамин-минерал комплекслар даво дозасида тавсия этиш, “PRISCA” анализига йўллаш. >21 балл ҳомила аномалияларнинг юқори хавфи мавжуд, ҳомиладорликни тўхтатиш масаласини ҳал этиш мақсадида “PRISCA” анализига йўллаш.

Бизнинг илмий изланишимиз мақсади учун ултратовуш диагностикаси ёрдамида ҳомила она қорни ичи нуқсонларни аниқлаш аёлларнинг асосий ва назорат гуруҳга тақсимланиши катта аҳамиятга эга бўлди. Ҳар бир ҳомиладор аёл учун ҳомила нуқсонларининг пренатал диагностикаси имкониятларини объектив баҳолашни таъминлаш учун биз бир вақтнинг ўзида аниқ локализация ўрнатилганлигидан қатъи назар, дастлаб ҳомила аномалияси ташхиси шубҳа қилинган диагностика процедурасининг давомийлигини ҳисобга олдик. Бундан ташқари, бир қатор ҳолатларда ҳомила она қорни ичи нуқсони дастлабки босқичларда ўзига хос бўлмаган ултратовуш белгилари асосида қабул қилинган, масалан, ёқа-бўшлиғи қалинлигининг ҳаддан ташқари қалинлиги. Ҳомилада нуқсон хавфини камайтиришга ёрдам берадиган энг муҳим ижобий омиллардан бири бу профилактика чораларининг ўз вақтида фойдалилиги, хусусан, витамин ва микроэлементлар профилактикаси. Шу муносабат билан биз ўрганган ҳомиладорларларда витаминлар ва микроэлементлар қабул қилишни давомийлигини ўрганиб чиқдик ва шу кўрсаткич бўйича даво дозаси тасдиқлади.

8 жадвал

Хавф гуруҳидаги ҳомиладорларда ҳомиладорликнинг кечиши .

Патология	Умумий сон (n=59)	Таркибида метилфолат бор витаминлар ва витамин Д 25(ОН)	Динамикада яхшиланиш (90%)	Ҳомила ривожланиш нуқсонлари тасдиқланган ҳомиладорлар (10%)
Ҳомила вентрикуломегалияси	16/27,1 %	16	14/23,7%	2/3,3%

Мия томир чигали кистаси	31/52,5 %	31	28/47,4%	3/5,08%
Ҳомила буйрак гидронефрози	6/10,2%	6	5/8,4%	1/1,69%
Ҳомила бўйин шиши	2/3,4%	2	2/ 3,4%	-

Ҳомила ривожланиш нуқсони юқори бўлган хавф гуруҳидаги ҳомиладорлар берилган базисли даводан сўнг, доимий динамик назоратга олиниб, улардан 90% да нуқсон келиб чиқиши бартараф этилди ва нормал ҳомиладорлик давом эттирилди, 10% ҳомиладорларда эса берилган даво терапия чораларига қарамасдан ҳомила она қорни ичи нуқсони тасдиқланди ва улар ҳомиладорлик тўхтатилишига тавсия берилди. (8 жадвал).



ХУЛОСА

1. Ҳомиладорларнинг 751та скрининг карталари ретроспектив таҳлилини ўрганиб, 2018-2020 йилларгача аниқланган нуқсонлар: марказий асаб тизимининг нуқсонлари — 38,2%, комбинацияланган нуқсонлар 25,7%, юз ва бўйин нуқсонлари 13,4% ни ташкил этди. Тиббий-ижтимоий хавф омиллари орасида соматик (85%), вирусли ва яллиғланиш касалликлари (Ковид 19/ЎРИ 48/50%, сийдик йули инфекциялари 71%), турли даражадаги семириш 11,8%, қариндош никоҳ 22,4% бўлган аёллардан иборат эди.
2. Ультратовушда ҳомила она қорни ичи нуқсонларни эрта дифференциация қилинганда уларнинг 36% и ёқа бўшлиғи қалинлиги зонаси 3,2 мм дан катталиги, 44,7% и марказий асаб тизими нуқсонлари, комбинирланган (5.71%) ва бошқа нуқсонлар (15,2%) дан иборат. Ҳомила она қорни ичи нуқсонлари хавф гуруҳида энг катта қисми мия қон томир чигали кистаси 52,5%, ҳомила вентрикуломегалия 27,1, ҳомила буйрак пиелоэктазияси 10,2%, ҳомила бўйин шиши 3,4% ни ташкил қилди, ушбу ҳолларда 53% да PAPP A (2,2 баравар), рух, магний, В12 витамини ва Д 25 (ОН), 1,2-1,4 баравар камайди ва гомоцистеин 1,5 баравар кўпайиши бирламчи хавф маркерлари эканлиги тасдиқланди.
3. Ҳомила она қорни ичи нуқсонлар хавфи ривожланиши билан биокимёвий ва инструментал маркерларни ўзаро боғлиқлиги, ултратовуш ва PAPP A , Витамин Д 25(ОН), В12, гомоцистеин даражаси ўртасидаги корреляция ($r = 0.52$ ва 0.76) ҳомиладорларда нуқсонларни ташхислаш ва эрта прогноз қилишда ушбу кўрсаткичлардан фойдаланишнинг ҳақиқийлигини кўрсатди.
4. Балл тизимида ҳисобланган матрицадан фойдаланиш (0-52 баллдан хавф мезонлари) асосида бирламчи тиббий ёрдам учун ҳомила нуқсонлари хавфини башорат қилиш ҳамда уларни PRISCAга йўналтириш мақсадида, компьютер дастури ишлаб чиқилди, ҳамда биокимёвий ва фетометрик маркерлар боғлиқлиги асосида туғма нуқсонлар олдини олиш алгоритми оптималлаштирилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

КУДРАТОВА ДИЛНОЗА ШАРИФОВНА

**ПРЕНАТАЛЬНЫЕ ПРЕДИКТОРЫ РИСКА РАЗВИТИЯ
ВНУТРИУТРОБНЫХ АНОМАЛИЙ РАЗВИТИЯ ПЛОДА**

14.00.01 - Акушерство и гинекология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Бухара – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2021.3.PhD/Tib2046

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.bsmi.uz) и информационно-образовательном портале “ZiyoNet”(www.ziynet.uz).

Научные руководитель:

Ихтиярова Гулчехра Акмаловна
доктор медицинских наук (DSc),
профессор

Официальные оппоненты:

Ведущая организация:

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2022 года в _____ часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 при Бухарском государственном медицинском институте (Адрес: 200118, г. Бухара, ул. Навои, дом 1.Тел/факс: +99865 223 00-50, Веб-сайт: www.bsmi.uz, e-mail: buhme@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за №_____). (Адрес: 200118, г. Бухара, ул. Навои, дом 1.Тел/факс: +99865 223 00-50, Веб-сайт: www.bsmi.uz, e-mail: buhme@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2022 года
(реестр протокола рассылки № _____ от «_____» _____ 2022 года).

Д.Т.Ходжиева

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук (DSc), профессор

Н.Н.Каримова

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук (DSc)

М.Б. Уринов

Заместитель председателя научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук (DSc)

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность темы диссертационной работы. В мире как отмечали ведущие специалисты в настоящее время происходит рост болезней, связанных с наследством и отклонением формирования плода в утробе матери. Из статистики ВОЗ, 5-5,5% младенцев рождаются с аномалиями, около 2-3% детей рождаются с внутриутробными отклонениями. Примерно 85% имеют генетический фон, а около 15% их вызваны неблагоприятными воздействиями в период гестации. В Узбекистане за последние пять лет в структуре детской инвалидности показатель врожденных аномалий составил 21,1%¹. В настоящее время снижение перинатальных потерь, охрана здоровья матери и ребенка, своевременное выявление групп риска, разработка прогностических критериев, профилактики внутриутробных аномалий являются задачами практической медицины, нуждающимися в решении.

Во всем мире проводится ряд научных исследований, направленных на осуществление ранней диагностики внутриутробных аномалий развития плода, прогнозирование и определение факторов риска. В связи с этим особое значение придается проведению научных исследований, направленных на разработку комплекса мероприятий по ранней диагностике, ведению беременности и предупреждению развития внутриутробных аномалий плода, принимая во внимание на родственный брак, возраст и вредные привычки семейных пар, наличие аномалий в анамнезе, непропорциональное использование методов контрацепции, соматические патологии и количественный состав микроэлементов в крови, являющихся основными факторами риска развития внутриутробных аномалий плода

